



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATSION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

IQTIDORLI TALABALAR, MAGISTRANTLAR, TAYANCH  
DOKTORANTLAR VA DOKTORANTLARNING

# TAFAKKUR VA TALQIN

MAVZUSIDA RESPUBLIKA  
MIQYOSIDAGI ILMIY-AMALIY  
ANJUMAN TO'PLAMI



Бухоро-2021

имкониятларидан фойдаланиб, олий маълумотли талабада ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ижтимоий-гуманитар фанларни чуқур ўзлаштириб, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши учун замин яратиш муҳим аҳамият касб этади.

### **АДАБИЁТЛАР**

- 1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.**  
23.09.2020
- 2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-сайти <https://uza.uz/>**
- 3. Авлиякулов Н.Х., Намозова Н.Ж. Муаммоли ўқитиши технологиялари.**  
– Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2008. – 80 б.

### **ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ВА УНИНГ ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ**

**М.Н.Амонов**

БухДУ магистранти

Дарҳақиқат, миллионлаб фарзандларимиз қалбига илм-фан зиёсини сингдириб, уларни эл-юртга муносиб инсонлар этиб тарбиялаётган заҳматкаш ва олижаноб устозларимизга ҳар қанча таҳсинлар айтсак, арзийди.

**Ш.Мирзиёев**

Педагогик маҳорат нима? Унинг моҳияти нималардан иборат? Уларни эгаллаш учун нималарни билиш керак? Ҳозирги замон педагогикаси ва психологияси «педагогик маҳорат» тушунчасига турлича изоҳ беради. Жумладан, “Педагогик энциклопедия”да қуидагича изоҳланган: “Ўз касбининг моҳир устаси бўлган, юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган, ёндаш фанлар соҳаларини яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиши услубиётини мукаммал эгаллаган мутахассис”. Ушбу

таърифнинг моҳиятидан келиб чиқиб ўқитувчининг педагогик маҳорати тушунчаси мазмунини шундай изоҳлаш мумкин:

Педагогик жараённинг моҳиятини англамаган, болага нисбатан чукур хурматда бўлмаган ўқитувчи таълим-тарбия самарадорлиги ва инсон камолотини таъминловчи фикрга ега бўлмайди. Педагогик жараённинг вазифаси билим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш бўлиб, ўқитувчиларнинг фаолият мезонини бегилаб беради. Ўқитувчиларнинг фаолияти педагогик жараённинг ҳаракат воситасидир. Педагогик жараённинг обеъктлари бўлмиш тарбияланувчи инсонга, ўқувчи ва ўқувчилар гурухига ҳамда алоҳида ўқувчига, педагогик жараённинг субеъктлари ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар, синф жамоаси, педагогик жамоа масъулдирлар ва улар жамият талаблари асосида таълим ва тарбия бериш фаолиятини бажарадилар. Ўқитувчининг педагогик фаолиятида ижобий натижаларга эришиши, меҳнат малакасини, яъни эгаллаган билимларим ўзининг ҳаётий ва амалий фаолиятида нечоғлик қўллай билиши билан белгиланади.

Педагогик маҳорат - ўқитувчиларнинг шахсий (болажонлиги, хайри-хоҳлиги, инсонпарварлиги, меҳрибонлиги ва ҳ.к.) ва касбий (билимдонлиги, зукколиги, фидойилиги, ижодкорлиги, қобилияти ва ҳоказо.) фазилатларини белгиловчи хусусият бўлиб, ўқитувчиларнинг таълим-тарбиявий фаолиятида юқори даражага эришишини, касбий маҳоратини доимий такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи фаолиятдир. Ўзфанини мукаммал билган, педагогик-психологик ва методик тайёргарликка эга бўлган, ўқитувчи ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг оптималь йўлларини излаб топиш учун, амалий фаолият олиб борадиган ҳар бир ўқитувчининг касбий фаолиятида нумоён бўлади.

Шундай қилиб, педагогик маҳорат эгаси бўлиш учун ўқитувчи ўз ўқув предметини давр талаблари асосида билиши педагогик ва психологик

билимларга эга бўлиши, ҳамда инсонийлик, изланувчанлик ва фидойиilikни ўзида таркиб топтириши лозим. Л.П. Раченко педагогик маҳоратни педагогик санъатнинг бир қисми сифатида таърифлаб, шундай ёзади: “педагогик маҳорат деганда ўқитувчининг педагогик-психологик билимларни, касбий малака ва кўниммаларни мукаммал эгаллаши, ўз касбига қизиқиши, ривожланган педагогик фикрлаши ва интуицияси, ҳаётга ахлоқий-эстетик муносабатда бўлиши, ўз фикр-мулоҳазасига ишончи ва қатъий иродаси тушунилади”. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, қуйидаги тўртта компонент педагогик маҳоратнинг асосий ташкил этувчилари ҳисобланади: 1. Ўқитувчилик касбига садоқат 2. Ўз фанининг ўқитиши методикасини мукаммал билиш 3. Педагогик қобилиятларини намойиш ққетаолиш; 4. Педагогик техникани ўз ўрнида қўллашни билиши. Дарс жараёнида ўқувчилар билим фаолиятини бошқариш бир неча омилларга боғлиқ. Уларнинг энг асосийларидан бири ўқувчиларни ўз фанига қизиқтира олишdir. Олимлар таъкидлаганидек, фақат қизиқишигина психик жараёнлар ва уларнинг идрок, диққат, хотира, тафаккур ва ирода каби функцияларига ижобий таъсир кўрсатади. Таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг билишга оид қизиқишлиари кўп қиррали қиёфаларда намоён бўлади: ўқувчини ҳаракатчан ва қизиқувчанлиги, ўқувчининг айрим ўкув фаолиятига шунингдек, умуман ўқишига бўлган мотивлари, ўқувчи шахсининг ўзига хос белгилари ва унинг йўналишини қарор топиши ана шулар жумласидандир.

Ўқувчи ёш даврига хос табиий фаоллиги, бирор бир ақлий қизиқиш билан қамраб олинмаса, уни қайси томон бошлаб кетишини олдиндан айтиш қийин. Шунинг учун ҳам К. Д. Ушинский "зўрлаш ва мажбурлашга асосланган ўқитиши" ўқувчининг ақлий ривожланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Шуни таъкидлаш лозимки, қизиқишлиар ва мотивлар ўқувчилар ўкув фаолиятларининг шаклланиш даражасига қараб шахснинг шакллантирувчи (ўқувчининг назарий фикри,

ўқиши фаолиятини ўқувчи шахси учун аҳамияти) дастлабки омиллар билан ўзаро мураккаб муносабатларда намоён бўлади. Хўш, ўқувчиларнинг ўқишига (билишга) бўлган қизиқишиларини шакллантириш шартлари қандай? Моҳир ўқитувчи уларни дарсда ўқувчиларда шакллантириш учун нима қилиши керак? Ўқув фаолиятини фаоллаштириш ва ўқишига бўлган қизиқишиларни доимо ривожлантириб бориш учун нима қилиш керак?

**Моҳир ўқитувчи ўқувчиларда ўқишига бўлган қизиқишиларни шакллантириш ва доимо ривожлантириб бориш учун қуидагиларга амал қилиши муҳимдир:**

1. Ўқувчиларни билишга интилишини, фанга умуман олганда ақлий меҳнатга қизиқишиларини ривожлантириш ўқув жараёнини шундай ташкил этилишини таъминлайдики, унда ўқувчи фаол ҳаракат қиласи, мустақил изланиш ва янги омилларни кашф этишга, муаммоли вазиятларни ўзи ҳал этишга интилади.

2. Ўқув фаолияти бошқа фаолиятлар каби фақат турлича бўлгандагина, қизиқарли бўлади. Бир хил усулда ахборот бериш ва бир хил усулдаги ҳаракатлар тез орада зерикишни вужудга келтиради.

3. Фанга бўлган қизиқиши шакллантиришда бу фанни ва унинг айрим қисмларини ўрганишнинг зарурлиги, муҳимлиги ва мақсадга мувофиқлигини ўқувчиларга англашиб жуда зарурдир.

4. Ўтилаётган материал олдинги материал билан қанчалик қўпроқ боғлаб тушунтирилса, у ўқувчиларга шунчалик қизиқарлироқ туюлади. Ўқув материалини ўқувчиларни қизиқтирадиган нарсалар билан богғлаб тушунтириш ҳам, уларни дарсга қизиқтиришда муҳим рол ўйнайди.

5. Ўртacha қийинликдаги ўқув материали ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотмайди. Ўқув материали бир оз қийинроқ, лекин ўқувчилар кучи етадиган бўлиши керак.

6. Ўқувчилар бажарган ишларни тез-тез текшириш ҳам уларни фанга бўлган қизиқишини уйғотади.

7. Ўқув материалининг аниқлиги, ҳиссиётга бойлиги, ўқитувчининг завқланиб гапириши ҳам ўқувчига, уни фанга бўлган қизиқишини ортишига жуда катта таъсир кўрсатади.

Президентимиз ўзининг қатор нутқлари ва асарларида таълим-тарбия масалаларига тўхталганда, ўқитувчини эътибордан четда қолдирмайди.

Бизнинг фикримизча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиласиз, аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ochilov M., Ochilova N. O‘qituvchi odobi. //Saylanma. – Т.: O‘qituvchi, 1997
2. Sultonova G.A. Pedagogik mahorat. – Т.: Nizomiy nomli TDPU,2005
3. К. Абдуллаева «Янги педагогик технологиялар» - «Бошл. таълим», № 4, 1999
4. Tolipov O‘., Usmonboeva M. Pedagogik texnologiya: nazariya va amaliyot.- Т.: Fan, 2005
5. С.М. Годник «О сущности проф-педагогической деятельности», Воронит 1992
6. В.А.Сластинин, Л.С.Кедымова, «Педагогика», «Инновационная дея- тельность», М. Магистр 1997
7. A’zamjon Xoliqov Pedagogik mahorat. T.”Iqtisod moliya” 2010.
8. Ochilov M “Muallim qalb me’mori”. O‘qituvchi, Toshkent 2003

**АМАЛИЙ БЕЗАҚ САНЪАТИ МАШГУЛОТЛАРИНИ ЎРГАТИШ  
НИНГ ТАЪЛИМИЙ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРБИЯВИЙ  
АҲАМИЯТИ  
М.Б. Каримова**

<b>H.G'. Jumayeva</b>	<i>Boshlang'ich sinf o'quvchilarida yozuv malakalarini shakllantirish metodikasi.....</i>	663
<b>5А110901 – Педагогика назарияси ва тарихи (фаолият турлари бўйича)</b>		
<b>B.J.Umarov, J.T. Karimov</b>	<i>Abdurauf fitratning ma'rifiy va pedagogik qarashlari shakllanishi.....</i>	666
<b>Sh.Raxmatova</b>	<i>Yaponiyadagi maktabgacha ta'lim tizimini o'zbekistonda qo'llash usuli bo'yicha tavsiyalar .....</i>	670
<b>U.Sobirov</b>	<i>Islohot sari qo'yilgan dastlabki qadam .....</i>	676
<b>G.S. Nuratova</b>	<i>Ingliz tili fanini o'qitish jarayonida zamonaviy didaktika vositalari tizimini takomillashtirish .....</i>	681
<b>A.J. Umedova</b>	<i>O'smirlarda vatanparvarlik tuyg'usini shakllantirishda musiqaning roli.....</i>	684
<b>Ш.Р. Халилова</b>	<i>Педагогик мuloқот услубарини танлашда ўқитувчи маҳорати .....</i>	689
<b>B.R. Adizov, S.A. Muxamedova</b>	<i>O'quvchi yoshlarda ijodkorlik qobiliyatini rivojlantirishning pedagogik - psixologik imkoniyatlari .....</i>	698
<b>B.J.Umarov, R.I. Temirov</b>	<i>Hoji muin va uning pedagogik merosi .....</i>	702
<b>Sh.R. Saparova</b>	<i>Ham ijodkor, ham murabbiy .....</i>	706
<b>С. III. Намазова</b>	<i>"Табиатшунослик" дарсларида ўрта осиё мутафаккирларининг экологияга oid илмий меросидан фойдаланиши имкониятлари .....</i>	709
<b>Н.С. Ҳакимова</b>	<i>Маънавий баркамол ёшлар –давлатнинг қудратли салоҳият манбаси .....</i>	721
<b>С. Шарипова</b>	<i>Ёшлар мантиқий тафаккурини шакллантиришида муаммоли таълимнинг ўрни .....</i>	724
<b>М.Н.Амонов</b>	<i>Педагогик маҳорат ва унинг ўқитувчи фаолиятида тутган ўрни .....</i>	727
<b>М.Б. Каримова</b>	<i>Амалий безак санъати машғулотларини ўргатишнинг таълимиy назарияси ва тарбиявий аҳамияти .....</i>	731
<b>M. Ozodova</b>	<i>Boshlang`ich sinflarda sintaktik tushunchalarni o'rgatish metodikasi .....</i>	737
<b>Л.Я.Олимов</b>	<i>Ўсмирларнинг айrim динамик хусусиятлари доирасида копинг хулқ-автор кўрсаткичларини тадқиқ қилишининг ўзига хос хусусиятлари .....</i>	742
<b>М.Ходжаева</b>	<i>Бўлажак мутахассислар касбий тафаккурини ривожлантиришида педагогик мuloқotning аҳамияти .....</i>	749